



Азиз китобхон! Сиз юкоридаги сатрлар жо бўлган машхур кўшикни кўп эшитгансиз, ўзингиз ҳам юрак-юракдан кўшилиб куйлаган бўлсангиз ажаб эмас. Ушбу ёник сатрлар муаллифи, истиклол куйчиси Икбол Мирзонинг асосан кейинги йилларда ёзган шеърлари кўлингиздаги мўъжаз тўпламга жамланган.

Шоир сўнги йилларда юртимизда рўй берган улкан янгиланиш жараёнларида шунчаки кузатувчи бўлиб эмас, балки фаол иштирокчи сифатида катнашиб келмоқда. Калбини тўлқинлантирган ходисаларни, қадимий шаҳарларимизда ўтказилаётган оламшумул сана-тўйлар таассуротини, бир сўз билан айтганда, Она Юртга бўлган чексиз мухаббатини ўзининг самимий, тиник мисралари оркали ифодалаган. Мухими, бу шеърларда Ватан туйғуси, фахр-ифтихор хисси янгича бўёқларда, охорли охангларда, санъаткорона мохирлик билан акс эттирилганки, бу хол ўқувчини хаяжонлантирмай кўймайди.

Кадрли шеърхон, мазкур тўпламни варақлай бошлаган экансиз, севимли шоирингиз билан янги дийдорлашув муборак бўлсин, деймиз.

## КЎШИК

Олисдаги махмадана, эй эски олчок,  
Менга кадам ташламокни ўргатмагин сен!  
Ўзингга бок, кейин, майли, ногорангни кок,  
Менга қандай яшамокни ўргатмагин сен!

Тинчлик дея юрак багри куйик элдир бу,  
Яратганнинг қошида энг суюк элдир бу,  
Ўтмиши ҳам, эртаси ҳам буюк элдир бу,  
Менга қандай яшамокни ўргатмагин сен!

Дала – даштлар ўз-ўзидан Эрам бўлмагай,  
Лекин сендан беминнат бир қарам бўлмагай,

Ўзбек эли ҳеч кимсага қарам бўлмагай,  
Менга қандай яшамокни ўргатмагин сен!

Китобингда даҳоларим сўзлари бордир,  
Деворингда боболарим излари бордир,  
Мағрур элнинг эту тирнок дўстлари бордир,  
Менга қандай яшамокни ўргатмагин сен!

Ялтираган ҳамма нарса эмас тилла, хей,  
Хайфдир сенга Накшбанддан қолган салла, хей,  
Эй худони танимаган чаламулла, хей,  
Менга қандай яшамокни ўргатмагин сен!

Хали баланд довларга от қўядирман,  
Қерак бўлса осмонларга от қўядирман,  
Лоқайдлигу нодонликка ўт қўядирман,  
Менга қандай яшамокни ўргатмагин сен!

Агар жаннат қўқда бўлса,  
остидадир Ўзбекистон,  
Агар жаннат ерда бўлса,  
устидадир Ўзбекистон!

### **Ўзбек чироклари**

Ким қора чирокка мой топган чоғлар,  
Тўшак сўқиб, пилик эшган замонда –  
Зухро юлдузидек мавжланиб порлар  
Ўзбек чироклари Афғонистонда.

Тортилган симлардек туташган томир,  
Менинг ҳам бенаво наволарим бор.  
Мени ҳам кечалар босар хавотир,  
Унда макон топган боболарим бор.

Афғон деган муҳр босилган қачон,  
Қайдасан мардумнинг ўғай онаси?  
Нахотки бу замин машқ учун майдон,  
Янги қуролларнинг синовхонаси?

Сўйла, ҳаётми шу – на нажот, на эрк,  
Домо-дам қиёмат шайланиб турса.  
Ўлимтик ахтарган ўлаксахўрдек  
Жангари учоқлар айланиб юрса.

Мен тугилиб ўсган Кўштегирмонда  
Кийикка тугилган тишлок ноним бор.  
Кандахор йўлида – Ажалдовонда  
Кизил иблис тўккан кирмиз коним бор.

Ё кайгу, ё севинч кўзга берар ёш,  
Йўлчи юлдузларим чорлаб турибди.  
Мозори Шарифда кўнглимдек нурпош  
Ўзбек чироклари порлаб турибди.

Кишда кор сўрасанг бермайди нокас,  
Оби рахмат – сувни кизгонар бадкор.  
Аммо дўстнинг кўли муаллак колмас,  
Окибати бутун Инсонлар хам бор!

Савоб ва саховат ўзбекка мерос,  
Шу боис кулбалар зиёга тўлди.  
Навийнинг рухи шод бўлгани рост:  
Боболарим кабри нурафшон бўлди.

Гафлатдан сесканиб уйгонар дунё,  
Тиник тортар Темур сув ичган булок.  
Боболар чирогин ёкибсиз, илло,  
Хеч қачон ўчмагай Сиз ёккан чирок!

### **Ойдан тушган эмас**

Хеч қимни бахт ўз-ўзидан қучган эмас,  
Қуш хам қўкка машаккатсиз учган эмас.  
Ойдин тунлар, осойишта, тиник тонлар  
Ойдан тушган эмас, қўқдан тушган эмас.

Мевасин еб, богини хам сўраб қўйгин,  
Керак бўлса, бог атрофин ўраб қўйгин.  
Нихолларнинг қокилларин тараб қўйгин,  
Озодлик хам, ободлик хам ўзи келмас,  
Ойдан тушган эмас, қўқдан тушган эмас.

Бу бинолар қайдан бино бўлди экан?  
Қим боболар қаддин расо қилди экан?  
Нечук бизни бугун дунё билди экан?  
Озодлик хам, ободлик хам ўзи келмас,  
Ойдан тушган эмас, қўқдан тушган эмас.

Эртақларда мўъжизалар сехр сабаб,

Гулу гиёҳ кўкаргайдир меҳр сабаб.  
Тафаккурнинг хурлигига недир сабаб?  
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,  
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.

Ўн саккизга кирган йигит сўзига бок,  
Юзига бок, олов ёнган кўзига бок.  
Бу энг буюк хазинадир, дўстим, бироқ  
Озодлик ҳам, ободлик ҳам ўзи келмас,  
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.

Шижоатнинг, жасоратнинг махсули бу,  
Ироданинг, заковатнинг махсули бу,  
Улуг Инсон танлаб олган ҳақ йўли бу,  
Ўзбекистон, бундаин бахт ўзи келмас,  
Ойдан тушган эмас, кўкдан тушган эмас.

### **Айтгил, дўстим**

Бошинг эгиб, таъзим айла, шукрона айт,  
Сени гулдек эркалаган чаман учун.  
Осмонларда юрган бўлсанг, тупрокка қайт,  
Айтгил, дўстим, нима килдик Ватан учун?

Кўзи кора, юраги ок шу эл учун,  
Тупрок учун, шу юрт учун, чаман учун,  
Улуг инсон бошлаб берган шу йўл учун,  
Айтгил, дўстим, нима килдик Ватан учун?

Элдан кетиб, эл бўлганни ким билади?  
Дон ахтарган гўштхўрларга ем бўлади.  
Дил конаса, она тупрок эм бўлади,  
Айтгил, дўстим, нима килдик Ватан учун?

Качонгача корнинг ўйлаб ўтадирсан?  
Качонгача кўкдан чалпак кутадирсан?  
Ахир, Ватан битта, сен ҳам биттадирсан,  
Айтгил, дўстим, нима килдик Ватан учун?

Бунча бино кўйма заррин чопонларга,  
Саратонда япроқ бўлгин дехконларга,  
Суянгани таёқ бўлгин чўпонларга,  
Айтгил, дўстим, нима килдик Ватан учун?

Ҳеч кимдан кам эмассан, кам бўлмагайсан,

Ерда колсанг, офтоб бўлиб кулмагайсан.  
Качон белни махкам тортиб боглагайсан?  
Айтгил, дўстим, нима килдик Ватан учун?

Шу сойлардан сувлар ургин юзингга сен,  
Бир бор назар солгин босган изингга сен,  
Шу саволни бериб кўргин ўзингга сен,  
Айтгил, дўстим, нима килдик Ватан учун?

### **Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни**

Йирокларда дўндирасиз ёлгонни,  
Учирасиз, кўндирасиз ёлгонни.  
Эй, тўнини чаппа кийган жаноблар,  
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Ман-ман дея кўксингизга урибсиз,  
Тог деб ўйлаб, яйдок кирда юрибсиз,  
Абу Райхон топган ерда юрибсиз,  
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Маънавият уммонида дур тердик,  
Маёк бўлиб йўлсизларга йўл бердик,  
Мухтож колган ганимга хам кўл бердик,  
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Тарихларга савол хар бир биноси,  
Хар кадамда дахоси, авлиёси,  
Дардингизни олар Ибн Синоси,  
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Отанг бозор, онанг бозор дейдилар,  
Кимлар учун бозор – мозор дейдилар,  
Бекорчидан худо безор дейдилар,  
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

Гуллаётган, ўсаётган элдир бу,  
Зулмат йўлин тўсаётган элдир бу,  
Инсон номин бежаётган элдир бу,  
Аввал келинг, кўринг Ўзбекистонни.

### **Ягонасан**

Тупрогингда дахолар хоки,

Ул сохиби дунёлар хоки.  
Боболарки, улуг чинордек,  
Момоларки, Кутлуг Нигордек.  
Чинорларки, бешиклар бўлган,  
Келажакка эшиклар бўлган.  
Сен онасан, мукаддас Ватан!  
Ягонасан, мукаддас Ватан!

Хазинамсан, тахтим ўзингсан,  
Киёси йўк бахтим ўзингсан.  
Ер юзининг жаннати сенсан,  
Яратганнинг санъати сенсан.  
Жаннатбогим, хазраттогимсан,  
Меҳробимсан, саждагохимсан.  
Сен онасан, мукаддас Ватан!  
Ягонасан, мукаддас Ватан!

Манглайдаги Дурри Акбарим,  
Не кўзларни олган гавхарим.  
Кора ният, гараз сўзлардан  
Асрагаймиз ёмон кўзлардан.  
Кўксим ичра юрагим – тумор,  
Бу туморда кутлуг номинг бор.  
Сен онасан, мукаддас Ватан!  
Ягонасан, мукаддас Ватан!

### **Ўзбекистон, ёлғизим!**

Ўзбекистон, онажоним, ёлғизим,  
Боболарим кафтидаги юлдузим,  
Жаннатлардан сувлар ичган илдизим,  
Жаннат маконим менинг, Ўзбекистон,  
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Самандарсан – оловлардан сог чиккан,  
Бузрукворсан – етти ўгли шох чиккан,  
Алпомишсан – кўксидан чакмок чиккан,  
Ўлмас дostonим менинг, Ўзбекистон,  
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Ялпиз атрин билмас дехкон бўлгайми?  
Тинчлик кадрин билмас ўглон бўлгайми?  
Юртин севмас одам инсон бўлгайми?  
Нури иймоним менинг, Ўзбекистон,  
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

Неча аср кўз ёшларин ютган эл,  
Сохибкирон кайтишини кутган эл,  
Юртбошини суйиб, бошда тутган эл,  
Ўзбекистоним менинг, Ўзбекистон,  
Жон ичра жоним менинг, Ўзбекистон!

### **Ўзбек ўгли**

Икки дарё ўртаси – кенг дастурхон,  
Туз тотгансан, тузлигингни унутма.  
Дастурхонни белбог килиб ўстирган  
Ўзбек ўгли, ўзлигингни унутма!

Садарайхон букилгани – сўлгани,  
Эр йигитнинг эгилгани – ўлгани.  
Йўл бермагил душманларга кулгани,  
Ўзбек ўгли, ўзлигингни унутма!

Ўзбек десам, жаранглаган тор келур,  
Ундан олдин номус ила ор келур.  
Бургут келур, лочин келур, сор келур,  
Ўзбек ўгли, ўзлигингни унутма!

Унутмагил насабингни, зотингни,  
Умид билан отанг кўйган отингни.  
Асра эрта кунингни – зурёдингни,  
Ўзбек ўгли, ўзлигингни унутма!

Бўшамасин зинхор ёгоч бешигинг,  
Кулф кўрмасин дарвозаю эшигинг.  
Йигилмасин супадаги тўшагинг,  
Ўзбек ўгли, ўзлигингни унутма!

Кўпга келган кулфатларга чап берма,  
Махмадана майналарга гап берма.  
Кўнгил обод бўлсин, сиртга зеб берма,  
Ўзбек ўгли, ўзлигингни унутма!

Ночор колсанг нокас кўлини тутма,  
Арслонсан-ку тулки йўлини тутма.  
Ўзингдан ўзгадан мархамат кутма,  
Ўзбек ўгли, ўзлигингни унутма!

### “Ватанга касамёд” хайкали пойида

Она деган сўзга эгиздир Ватан,  
Она дуосидан кутлугрок не бор.  
Темурий калбида меҳр жўшаркан,  
Зако кўзи билан карайди Меъмор.

Рамзий тамсилларда ибрат мужассам,  
Бир лахза ўзлигим кўргандек бўлдим.  
Мукаддас меҳробдан боқаркан онам,  
Пойида тиз чўкиб тургандек бўлдим.

Хеч кимга хеч қачон бўлмагай қарам,  
Она юрт қошида тиз чўккан ўғлон.  
Энг улуг қасам бу – онага қасам,  
Энг буюқ қасам бу – юртга, бегумон!

Гоҳо жон қойитгинг келмайди зинҳор,  
Ризки рўз, тинчликка йўқдек ниҳоя.  
Аммо қовути шай қалхатлар ҳам бор,  
Неки азиз бўлса, шартдир ҳимоя!

Юртдошим, хайқални айлаб зиёрат,  
Рухингни мардликка ўргатгил сен ҳам.  
Ватанга қасамёд қилгил ва абад  
Уни юрагингга ўрнатгил сен ҳам!

### Юрт кўшиги

Бобомнинг байти бор япроқларингда,  
Момомнинг тафти бор чорбоқларингда.  
Онамни эслатар райхонинг, юртим,  
Дадамнинг хиди бор тупроқларингда.

Сўлим Хонободдан Қийиксойгача,  
Қутлуг остонадан суюқ ойгача,  
Чироқлар юлдуздек порлар ҳар кеча,  
Мудом ўт гурласин ўчоқларингда!

Тогларинг бағрида лиммо-лим тилсим,  
Минг йилқим, мўйсафид Шохимардон жим.  
Сангардак кўшигин шархлай олар қим?!  
Тилло қумлар ўйнар булоқларингда!



Мавлоно Лутфийлар улфатдир менга,  
Шеър лутфи энг тотли сухбатдир менга.  
Улуглар исми хам кувватдир менга,  
Тугёним – ўйноки тойчокларингда.

Бир куйчи ўглингман, баётим ўзинг,  
Тилимнинг остида новвотим ўзинг,  
Бағрим, жоним ўзинг, хаётим ўзинг,  
Дил торим калампирмунчокларингда.

Кизгалдокзорингда кўмилиб ётдим,  
Биллур шабнамларда чўмилиб ётдим,  
Дунёни унутдим, ўзни йўкотдим,  
Мен хам ватан бўлдим кучокларингда!

## Диёрим

Диёрим, дунёнинг харитасида  
Тулпордек ўйноклаб турган диёрим.  
Самонинг милтирок даричасида  
Саодат шуъласин кўрган диёрим,  
Ўшал юлдузингдан адаштирмасин,  
Ўзбегим, ўзингдан адаштирмасин!

Нима кўп, оламда фитна-найранг кўп,  
Бировнинг дардидан кувонч, байрам кўп.  
Кўрган кунларингни майсалар айтсин,  
Кўз ёшинг кўпмиди ёки шабнам кўп.  
Шул дала-тузингдан адаштирмасин,  
Ўзбегим, ўзингдан адаштирмасин!

Дунё деганлари гавголи дунё,  
Алдокчи ва гирром савдоли дунё.  
Мухтожга беролмас, борни кўролмас,  
Навой айтгандек, “ягмоли дунё”.  
Теран илдизингдан адаштирмасин,  
Ўзбегим, ўзингдан адаштирмасин!

Минг шукр, юраги офтобларинг бор,  
Оламини каратган хитобларинг бор.  
Баҳо берган худо даҳо хам берган,  
Улуг зот силаган китобларинг бор.  
Табаррук изингдан адаштирмасин,  
Ўзбегим, ўзингдан адаштирмасин!

## Наврӯз кӯшиги

Бахорни билмаган элларни кўрдим,  
Бир чечак кулмаган ерларни кўрдим.  
Ўзингни соғиниб келади наврӯз,  
Кафтингга кўз сурай, дехконим, юртим,  
Ўзингдан ўргулай, богбоним, юртим.

Чучмома чайкалиб, чалар кўнгирок,  
Хаёт хидин сочар уйгонган тупрок,  
Илдиз сувратини чизади чакмок,  
Кафтингга кўз сурай, дехконим, юртим,  
Ўзингдан ўргулай, богбоним, юртим.

Мехмонни чорлайди сумалакларинг,  
Кизларинг боғлайди жамалакларин.  
Саодатга кўприк камалакларинг,  
Кафтингга кўз сурай, дехконим, юртим,  
Ўзингдан ўргулай, богбоним, юртим.

Эй, кафти кадогу кўнгли юмшок эл,  
Куёшда корайган, юраги ок эл,  
Дуога кўл очган, тилаги ок эл,  
Кафтингга кўз сурай, дехконим, юртим,  
Ўзингдан ўргулай, богбоним, юртим.

Мукаддас еринг бор, кутлуг осмон бор,  
Суянган тогинг бор, дилда иймон бор.  
Улуг богистонга буюк богбон бор,  
Кафтингга кўз сурай, дехконим, юртим,  
Ўзингдан ўргулай, богбоним, юртим.

## Карам бўлмас ўзбек

Эгасиз ва оёкости йўлмас ўзбек,  
Хохлаган сув оладиган кўлмас ўзбек.  
Донг таратган ва ўзига каратган эл,  
Хеч қачон хеч кимга карам бўлмас ўзбек.

Ватангадо, юртфурушлар англамаслар,  
Олтиндай соф хикматлар хеч зангламаслар.  
Она ҳамда Ватанни-ку танламаслар,

Хеч қачон хеч кимга қарам бўлмас ўзбек.

Борган жойин обод қилган Бобурлари,  
Мазлумларни озод қилган Темурлари.  
Тоглардан ҳам баландрокдир гурурлари,  
Хеч қачон хеч кимга қарам бўлмас ўзбек.

Ўғил-қизлар шиддати-ю шаштини кўр,  
Бировга бош эғмасликнинг гаштини кўр.  
Юрак бўлса, рингга чиқиб муштини кўр,  
Хеч қачон хеч кимга қарам бўлмас ўзбек.

Яратгандан бошқасига қулмас ўзбек,  
Хеч қимдан кам бўлмаган, кам бўлмас ўзбек.  
Донг таратган ва ўзига қаратган эл,  
Хеч қачон хеч кимга қарам бўлмас ўзбек.

### **Она тупрок**

Авлиёлар, даҳоларнинг бешигисан,  
Накшбандлар топган жаннат эшигисан.  
Тирикликнинг навоси ҳам кўшигисан –  
Сен азизсан, муқаддассан, эй саждагоҳ,  
Ўзбекистон, ота макон, она тупрок!

Юрагимда тулпорларинг дуқурлари,  
Қайси юртнинг бордир буюқ Темурлари?  
Оловлардан омон қилган Семурғлари,  
Сен азизсан, муқаддассан, эй саждагоҳ,  
Ўзбекистон, ота макон, она тупрок!

Қимларнингдир кўкрагида тумор бўлдинг,  
Қимларнингдир қипригида губор бўлдинг,  
Ғоҳида мард бир ўғлонга ҳумор бўлдинг,  
Сен азизсан, муқаддассан, эй саждагоҳ,  
Ўзбекистон, ота макон, она тупрок!

Асл фарзанд меросига қосибон бўлмай,  
Озод элнинг орзулари осмон бўлмай,  
Боболарим исмин айтсам қосибон бўлмай,  
Сен азизсан, муқаддассан, эй саждагоҳ,  
Ўзбекистон, ота макон, она тупрок!

Ота уйин фарогатин билмаганлар –  
Иккиси бир, бири икки бўлмаганлар,  
Тупроктеги бўлиб зор-зор йиглаганлар...  
Сен азизсан, мукаддасан, эй саждагох,  
Ўзбекистон, ота макон, она тупрок!

Дарёларнинг изларида дарё бўлгай,  
Дахоларнинг авлоди хам дахо бўлгай!  
Фидо бўлса, шу Ватанга фидо бўлгай,  
Фидо бўлса, шу Ватанга фидо бўлгай:  
Ўзбекистон, ота макон, она тупрок!

### Асрагил

Капалак ўзин урмас хароратсиз шуълага,  
Чигиртка хам жўр бўлмас бегона ашулага.  
Нурдек кадим конинг бор,  
Довругинг бор, шонинг бор,  
Бўй берма чалажаноб ёки чаламуллага.  
Калб кўргонин чечаги – пок ниятни асрагил,  
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Боласин ўйламаган кумурска ё куш кайда?  
Бешикнинг дук-дукидек юракка товуш кайда?  
Ўзбекка ор маънодош,  
Ибо-хаё – кўзу кош,  
Гурурсиз Бек кайдаю ибосиз Кумуш кайда?  
Юрагинг тумор бўлсин, кутлуг хатни асрагил,  
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Отасини унутган, иблис этагин тутган,  
Кутса хат-хабар эмас, нафсига малхам кутган,  
Бетизгин, салт, бежилов,  
Ўзига хам ўзи ёв,  
Мушук ўйнаган галтак каби чувалиб кетган –  
Кетган кас-нокаслардан кадрийатни асрагил,  
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Манзил-марохил тайин бўлмаса жилмас карвон,  
Хеч курса, сардобага етгунча тинмас карвон.  
Ўйсиз йўловчи бўлмас,  
Максадсиз овчи бўлмас,  
Олис йўлни кўзласа йўргага минмас карвон,  
Ўркак-ўркак гурур-ор, хамиятни асрагил,  
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

Бугунги кеча учун ҳам эртанги тонг учун,  
Осмон кумушжоида куёш урган бонг учун,  
Янги юриш бошланди,  
Сўнгги уруш бошланди –  
Эътикод-иймон учун, калб, тафаккур, онг учун!  
Коракўз болаизор – жамиятни асрагил,  
Ўзни, ўзликни, миллат, миллиятни асрагил!

## Ватан

Сени десам юрагимда  
очилар гуллар,  
Ёмгир бўлиб самолардан  
сочилар гуллар,  
Сахролардан, дарёлардан  
сочилар гуллар,  
Юрагимнинг гулисан сен,  
гуллаган Ватан!

Исминг айтиб уйгонади  
чучук жилгалар,  
Сунбулалар тонглариңдан  
такар сиргалар,  
Кипригимда ёгдуларинг  
солар жилвалар,  
Тилагимнинг гулисан сен,  
гуллаган Ватан!

Хушбўй-хушбўй олмаларда  
жаннат хавоси,  
Тогларингнинг багрида минг  
дарднинг давоси,  
Шудир, ахир, бир инсоннинг  
умр сафоси,  
Юрагимнинг гулисан сен,  
гуллаган Ватан!

Ховуч-ховуч, зилол-зилол  
сувингдан ичдим,  
Мехринг канот бўлди, мовий  
кўкларда учдим,  
Яна кайтиб сенга келдим,  
тупрогинг кучдим,

Тилагимнинг гулисан сен,  
гуллаган Ватан!

... Юрагимнинг гулисан сен,  
гуллаган Ватан!

### **Ватан кўнгилдадир**

Кайда жон топсанг, абад жонинг анда,  
Тўрғай даштда куйлар, булбул – чаманда.  
Мен сенинган, сен менинг руху танда,  
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Гўдакларнинг сабий кулгусида сен,  
Ўсмирларнинг ширин уйкусидан сен,  
Йигитларнинг уйғок туйгусидан сен,  
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Дарёлар мавжида кўрганман сени,  
Ўланлар авжида кўрганман сени,  
Юраклар ганжида кўрганман сени,  
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Сулув келинларнинг бешигида сен,  
Исирик осилган эшигида сен,  
Турналарнинг олис кўшигида сен,  
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Сен учун ошиқиб, тошар жилгалар,  
Сенинг дийдорингга шошар жилгалар,  
Гулзорингга гуллар кўшар жилгалар,  
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Нигохлар, карашлар, кароклардасан,  
Хокларда, тошларда, тупроклардасан,  
Дехкон кафтидаги кадоклардасан,  
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда.

Мангу озод бўлгин, мангу обод бўл,  
Шонинг кўтарганга куч бўл, канот бўл!  
Асл ўғлонларга касам бўл, онт бўл:  
Ватан кўнгилдадир, кўнгил ватанда!

## ЎЗБЕК

Манглайга кафт кўйиб олисга боксам,  
Эдилдан кўринар бўйларинг, ўзбек.  
Туш каби жимирлаб минг йил окса хам,  
Номинг айтар Энасойларинг, ўзбек.

Нух тўфони, демак, кисмат шамоли,  
Кимнингдир камоли, кимнинг заволи.  
Саргашта кун кўрдинг оху мисоли,  
Шундан хамон мунгли куйларинг, ўзбек.

Дили конга тўлиб, кўзлари – ёшга,  
Алп Тегин бир хикмат чегирди тошга:  
«Бизнинг кайгумиз йўк боладан бошка...»  
Болангга боглидир ўйларинг, ўзбек.

Бир замон оловни илох билган эл,  
Куёшга карашни гунох билган эл,  
Хар бир боскинчини кўнок билган эл,  
Ёвга сўкмок бўлган куйларинг, ўзбек.

Исмингни айириб кечди асрлар,  
Хонликни бекликка бўлган не сирлар?  
Кентларга сочилган ўрда, касрлар...  
Кумдан корилганми лойларинг, ўзбек.

Дил кўзгалса, элни тўхтатиб бўлмас,  
Сел кўзгалса, гилни тўхтатиб бўлмас,  
Занжир узган кулни тўхтатиб бўлмас,  
Тиг бўлди хар битта мўйларинг, ўзбек.

Бўйнингдан кетган йўк хали дор изи,  
Кўй, кора кунларнинг ўчсин кораси!  
Сен борсан – Темурнинг улуг вориси,  
Осмонингга кайтди ойларинг, ўзбек.

Катта кишлок экан Париж, Лондон, Рим,  
Даламни согиниб эзилди кўнглим.  
Дунё гўзали – сен, кадоқкўл синглим,  
Гўзалдир ўнгиган кўйлагинг, ўзбек.

Хафталаб йўл караб саргаймас Кумуш,  
Тогни толкон килди бобомерос мушт,  
Тин олди давонга бокиб Алпомиш,  
Тогларни кўпорди ёйларинг, ўзбек.

Кўлингни кўзимга сурай, отажон,  
Ёнингда ул бўлиб юрай, отажон,  
Яхши кунларингни кўрай, отажон,  
Совимасин кўлда чойларинг, ўзбек.

Онажон, хаволи боглар муборак,  
Хандалак банд берган чоглар муборак,  
Келин юзидаги доглар муборак,  
Бугдойларга тўлсин уйларинг, ўзбек.

Сумбула – тўкинлик, тўйлар мавсуми,  
Бир кўзгалиб олар богбоннинг хуми.  
Асли, бир сатрдир шеърим мазмуни:  
Тўйларга улансин тўйларинг, ўзбек!

### **Фахрия**

“Хамма йўллар Римга элтади...”

Эски гап

Самарканд – оламнинг сайкали, кўрки,  
Самарканд – кимга дарс, кимгадир сабок.  
Кайтадан ўзини топгали, кўрки,  
Шахримга ошикар юз минглаб сайёх.

Бир замон чорасиз, яъни бечора  
Халокат домида ётганда гаранг  
Темурбек кирганди жонига оро –  
Гўри Мир қошида таъзимда фаранг.

Сайёхлар оқади – чорлар тарона,  
Кўзларда кувончга коришик хайрат.  
Сирли ва сехрли куй – Сўгдиёна,  
Бобосин қисматин эслатар, албат.

Зўрнинг дастидан зор жар ёқасида.  
Ўлимтик кидирар муаллак калхат...  
Афросиёб – тарих чоррахасида –  
Такдирин белгилаб олар халк, давлат.



“Маглубнинг холи вой” – гердаяр юнон,  
“Йўл бўлсин – чўл бўлсин” – пишкирар мўгул.  
Куч адолатдадир, дер Сохибкирон,  
Замин – она бизга, барчамиз ўгил...

Колизейда Кайсар вахшатга тўлиб,  
“Ўлим!” деб бармогин никтаган вакти –  
Эр Тўнга илдизга ёндош хум кўмиб,  
Кумлокда ўстирди минг-минг дарахтни.

Кимки якин келса бахт топди, ногох –  
Кимки йирок кетса, азият етди.  
Дунёга даъвогар не-не султон, шох  
Самарканд тупрогин васият этди.

Темур хузурига келган элчидек  
Сайёхлар тавозе келтирар бот-бот.  
Ёрлик олган каби кутмаганда бек –  
Ўзбек дўпписини кийганига шод!

Хаяжондан титраб кок қўллари хам  
Мўйсафид италён кўнгил ёради:  
“Менинг она шахрим – Рим йўллари хам –  
Бугун Самаркандга олиб боради”.

Замин айланади, югурар замон,  
Демангким, бехуда вақт кетаётир.  
Буюк Амир Темур дахоси хамон  
Калб ва шуурларни фатх этаётир!

### **Самарканд. Сирли нигох**

Самаркандни кезсанг, ажиб синоат,  
Елкангга кўйгандек кимдир кафтини –  
Хис килаверасан бетиним, бот-бот,  
Бир сирли нигохнинг илик тафтини.

Бу не хол? Не юмуш бажардинг, деган  
Ялангтўш Баходир сўрокларими?  
Ё энг олис юлдуз катига етган  
Улугбекнинг тийрак нигохларими?

“Бизлар курган эдик, шукр, болалар

Томоша-сайрга яраб турибди” –  
Уятдан ёноги бўлиб лолалар –  
Балки Бибихоним караб турибди.

Хар калай шунчаки кўзлар эмас бу,  
Юракка етгудек сеҳри бор ўхшар.  
Толиб Алишербек лабида кулгу,  
Ўсмирнинг самимий меҳри бор ўхшар.

Хар замон бир зотнинг замони бўлган,  
Хирийда Шайбокнинг бўзларими бу?  
Фирдавсмонанд шаҳар армони бўлган  
Бобурбекнинг ўткир кўзларими бу?

Син солиб термулар бир сохир нигоҳ:  
“Кимсан? Матлабинг не? Сўйла, гофил кас?”  
Йўк, Темур кўзлари эмас бу, иллоҳ, –  
Темур нигоҳига бардош топилмас!

### **Гўри Мир. Гумбазлар**

Гумбаз кобигида яна бир гумбаз.  
Хеч ерда учрамас бундай ёдгорлик.  
Хавоза минг йилга бардош берса, бас –  
Не боис бу кадар эҳтиёткорлик?

Биров дер, кичиги таянч бўлгандир  
Махобатли гумбаз курмоги учун.  
Биров дер, усталар ҳисоб олгандир  
Харорат мўътадил турмоги учун.

Булар бор гап, аммо мохият бошка,  
Теран етиб борган мантикка Амир:  
Саид Баракани кўтариб бошга  
Ўзига пойгақдан жой олмиш, ахир!

Зариф накши нигор ички гумбазда,  
Кобик ҳам мустаҳкам ёмгирга, селга.  
Ташки кўринишдан айрича бизда  
Кўнгилга эътибор устун, кўнгилга!

Сиз сувратга тушинг кошинни силаб,  
Эсдаликка далил – расмлар етар.

Ичкарида сизга омонлик тилаб  
Мунис мусичалар тиловат этар.

Калбингизга эриб кириб борар нур,  
Факат абад колгай рух ва эзгу ном.  
“Иймонинг авайла!” - буюрар Темур,  
“Калбингни асрагил!” - ўргатар Ислон!

### **Буюк ипак йўли**

Кумлар сочиб, йўл очиб, тасбехдек карвон ўтар,  
Туяларда чайкалиб давр ўтар, даврон ўтар.

Мушкни мурчга, гуручни адрасга айирбошлаб,  
Алакни бўзга, бўзни атласга айирбошлаб,

Гохида инсоф билан, гохида иймон билан,  
Йўлнинг танобин тортиб, тош билан, довон билан,

Бирда алдаб, бирида гафлатда қолиб ўзи,  
Гох йўлидан, гохида ўзидан қолиб ўзи,

Турфа либос, дил билан турли карвонлар ўтар,  
Нортуя одимидек вазмин замонлар ўтар.

Сахро – улкан кумсоат. Кор тўкилар ок кумдай,  
Тужжорнинг насибаси гохи захар-заққумдай,

Лекин Ипак йўли бу – ҳақ йўли, урфон йўли,  
Инсоният жисмида жон йўли бу, қон йўли.

Шу йўл боис Румода чиний жарангослари,  
Олмонларда қўлма - қўл Самарқанд қогозлари.

Хуржуннинг бир қўзида халво-ю новвот кетар,  
Бир ёнда Самарқандий қитобу довот кетар.

“Адолат сари юргил, юзлангин илм томон!” –  
Дуога жуфтланган қафт, ховуч қаби Регистон.

“Олам симобдек титрар, ўзингдан бўлгил огоҳ!” –  
Қўз юммас Шохи Зинда – абадий барҳаёт шох.

Қанча савдогар бунда эл бўлиб қолиб кетган,  
Кетганлари маърифат, маърифат олиб кетган.

Вале Буюк карвоннинг юмуши битгани йўк,  
Хануз йўлдадир, хануз манзилга етгани йўк.

### **Расадхона. Улугбек юлдузи**

“Темурхон наслидин султон Улугбек”\*...  
Юракка чўг солар учган юлдузлар.  
Фонус теграсида парвоналардек  
Ой тўгарагида гужгон юлдузлар.

Коинот – ақлга абадий сўрок,  
Тафаккурга мангу кийнок – коинот.  
Салтанат тизгинин силтаб турган чоғ  
Султон нега кўкка солар бетин от?

Фақирми, саидми, хўжа ё вали  
Бу юртда самони кўзлаган мудом.  
Осмон билан ёлғиз колган махали  
Ўзининг юлдузин излаган мудом.

Бибихоним кучиб кичик Мирзони  
Бобонгиз дунёни олди, дегандир.  
Эркалаб, кўрсатиб ўтлиг самони  
Сизга сайёралар колди, дегандир.

Акс этмаган “Зижи Кўрагоний”да  
Улугбекнинг порлок толъе юлдузи.  
Дерлар, гард бўлмаса дил, иймонида  
Юлдузни кўргайдир хатто кундузи.

Яшириб не килдим: фалакда эмас,  
Заминнинг ўзида юлдузни кўрдим.  
Озод сунбулага томири пайваст  
Ўсмирнинг кўзида юлдузни кўрдим!

Ўзбегим, дунёга шох бердинг, ажаб –  
Шохлар олим чикди, олам мот бўлди.  
Кимлар юлдузини топди сен сабаб,  
Кимга илму шахдинг кўшканот бўлди.

Улугбек юлдузин кўрдим – калкди ёш,  
Тонгда тиллоланиб кетди осмоним:  
Калбимга бобомдек кўр тўқди куёш –  
Бу – сенинг юлдузинг, Ўзбекистоним!  
\*Алишер Навоий сатри

### Шохи Зинда. Садо

“Сўйлагин жонларга оловлар ёкиб,  
Сухбатдошинг гавхар тергандек бўлсин.  
Лутфу карамингга, завкингга бокиб,  
Хазрат Навоийни кўргандек бўлсин!

Шунчаки бир миллат эмасмиз-ку биз,  
Иймонинг тош-метин кўргондек бўлсин.  
Сенинг сухбатингга бурар чоги юз  
Хазрат Накшбандни кўргандек бўлсин!

Хар кимда халкининг гурури, шаъни,  
Ёв кифтида ари юргандек бўлсин.  
Сенга караб, шерни кўргандек, яъни –  
Хазрат Бобурбекни кўргандек бўлсин!

Кўксингга тиг уриб этмасин яра,  
Хезланса, худойим ургандек бўлсин.  
Ўтли кўзларингга, бастингга караб,  
Хазрат Темурбекни кўргандек бўлсин!”

### Хазрати Хизр макбарасида

Шундай ривоят бор эл орасида:  
Яъни, Хизр бува – кароматгўй зот  
Гохи дўст, гоҳ ота киёфасида  
Йигитга икки бор келтирар имдод.

Хизрни таниса, кўлидан тутса,  
Ганимлар чекинар, бахти кулади.  
Мушкуллар ечилар, кетади гусса,  
Казо солигидан дархон бўлади.

Даврон шамоллари йигди булутни,  
Халким сел-дўлларда зор-зор суринди.  
Чакмок яраклатди шамшир, совутни –  
Темур тимсолида Хизр кўринди!

Элим нажот топди, завол терс бўлди,  
Беклик давлат бўлди, давлат – салтанат.  
Бизга караганнинг толеи кулди,  
Аъмолимиз бўлди лутфу мархамат.

Бирок... Кажрафтор чарх айланиб чаппа,

Кондошлар ичига ташлади нифок.  
Залолатга ботди эл – улус ёппа,  
Хурофотга ботди яна баттаррок.

Пароканда давлат – тувоксиз козон,  
Эринмаган шокол тегиниб ўтди.  
Конга кон деб килич солди хонга хон,  
Хонга жон деб, элат эгилиб ўтди.

Шу тахлит йилларни емирди ойлар,  
Икки бошли бургут жигарим ўйди.  
Улуг салтанатни пажмурда айлаб  
Килич билан кесиб, чегара кўйди.

Тангри инояти – тангри рахмати,  
Таназзул топмагай темурий миллат.  
Зое кетмас уйгок фарзанд захмати,  
Истибдод охири халокат, зиллат.

Миллатга эрк берди Буюк халоскор,  
Темурбек вориси, фидойи дахо!  
Темур боғларига кайтди шан бахор,  
Темур тоғларини силади само!

Эй, халким, жафокаш, жабрдийда халк,  
Кечмишинг эртакка йўйиб юборма.  
Хизр бармогини тутганлигинг хак,  
Хеч қачон бу кўлни кўйиб юборма!

### **Дўстим Олимжонга аталган шеър**

Мехринг мехригиё тану жонимга,  
Бир хафта кўрмасам девонадайман.  
“Она” сўзин кўшиб кутлуг номингга  
Фаргонажон, дейман, Фаргона, дейман.

Сенда ё ой тиник, ё кўзим равшан,  
Сенда димогим чоғ – райхондай ёвшан.  
Рухинг гуллаб турса, даштинг хам гулшан,  
Фаргонажон, дейман, Фаргона, дейман.

Хуморинг тутганда эсу хушим йўк,  
Илк севгим кирмаган ширин тушим йўк.  
Сени соғинишдан бошка ишим йўк,  
Фаргонажон, дейман, Фаргона, дейман.

Хазиний бувамнинг изларин босиб,  
Кўнглимни ёзганман, шеъримни ёзиб.  
Юрагим интикиб, ичкикиб, озиб,  
Фаргонажон, дейман, Фаргона, дейман.

Кимгадир тириклик моддий кўринар,  
Келиб-кетмоқлик жўн, оддий кўринар.  
Мен кўзим юсам ҳам водий кўринар,  
Фаргонажон, дейман, Фаргона, дейман.

Бормисиз, хей, азиз ёру дўстларим!  
Юзингиз нуридан ёруг юзларим.  
Корадарахтларим, коракўзларим,  
Фаргонажон, дейман, Фаргона, дейман.

Йўлда йўлчивиндек хориганим рост,  
Киркка кириб-кирмай кариганим рост.  
Сенинг дардинг билан огриганим рост,  
Фаргонажон, дейман, Фаргона, дейман.

Кўнглимни кўтарар синик тоғларинг,  
Кўйлақлари гижим кизгалдоқларинг.  
Менга шамол бўлиб келар охларинг,  
Фаргонажон, дейман, Фаргона, дейман.

Довондан багрингга жилгадек шошиб,  
Шеър айтиб келаман, юрагим тошиб.  
Жон сўраб келганда жонимни кўшиб,  
Фаргонажон, дейман, Фаргона, дейман.

## Маргилонийлар

Шохдор шохлар ўтган довон-кирлардан  
Ўтдим сир олай деб кўхна сирлардан.  
Бир барбод, бир обод бўлган ерлардан  
Болам, деб сас берди маргилонийлар.

Жаннат копкасида метиндир тартиб,  
Ким муштраб киролмас, ким кирар чертиб.  
Кўкламда ягона бўйрасин чиртиб  
Чумчукка хас берди маргилонийлар.

Хаммаси хунарманд, бори эл толиб,  
Ўтирмас замондан, макондан нолиб.  
Буюк ипак йўлин толасин олиб,

Шохи атлас берди маргилонийлар.

Сабок берсинлар деб фикху ахкомдан,  
Мухиблар кўл чўзди Багдоддан, Шомдан.  
Бурхониддин бўлиб дини исломдан  
Арабга дарс берди маргилонийлар.

Кодирий бобони каратган надир?  
Маргилонга бермиш Яратган надир.  
Ибоми, хаёми, окибат, кадр,  
Шавку хавас берди маргилонийлар.

Гох Маъмуржон бўлиб, гохи Жўрахон,  
Товушларда тугён, юрак тўла кон.  
Гижжак, танбурларга ато этди жон,  
Найга нафас берди маргилонийлар.

Соябонинг бордир, бошга ёгмас дўл,  
Мехрибонинг бордир – бошка ёгмас дўл.  
Бугун пири муршид сийлаб, берди кўл,  
Тарихга даст берди маргилонийлар.

### **Абадият**

Ўчакишган жохил – чархи ситамгар  
Уқубат устига кулфатин солди.  
Кўли, кўзи очик кетди Искандар,  
Маргилон кетмади,  
Маргилон колди.

Мўгул исканжага олди кутуриб,  
Очлик камал килди – на сув-нон колди.  
Кимдир ёвдан кочиб, кетди кутулиб,  
Маргилон кетмади,  
Маргилон колди.

Каргалар жунжикар эди кахридан,  
“Киринг, деб буюрди, неки жон колди!  
Супуриб ташлангиз дунё сахнидан!”  
Маргилон кетмади,  
Маргилон колди.

Минорни йиксалар, теракдек ўсди,  
Бармок тишлаганча каззоб хон колди.  
Иймон деворлари ёв йўлин тўсди...



Маргилон кетмади,  
Маргилон колди.

Кетса, йиглаб кетар махси-ковуш хам,  
Лекин бу мухаббат... эл хайрон колди.  
Бир кулиб, бир йиглаб кетди Кумуш хам,  
Маргилон кетмади,  
Маргилон колди.

Неча Помпейларни тупрок, кул босди,  
Неча халқдан на ном, на нишон колди.  
Юраги конаса атиргул босди,  
Маргилон кетмади,  
Маргилон колди.

Коронгу ўтмиши – лайлатулкадр,  
Кадр умидида жон омон колди.  
Шу кунларни кутиб айлади сабр,  
Маргилон кетмади,  
Маргилон колди.

### Такаллуф

Хар битта шахримнинг ярашиги бор,  
Хар бир вилоятнинг ўз хикояти.  
Хаммаси бетимсол, бари бетакрор,  
Бу хам Яратганнинг бир инояти.

Маргилон лафзидан калом куйилар,  
Асал кўшилгандек гўё сўзларга.  
Тўгриси, гохида эриш туюлар  
Бундок такаллуфлар биздек кўрсларга.

Эринмай хол сўрар йўл сўрасангиз,  
Сўнг манзират килар: мехмон, чой тайёр!  
Кизларин шеваси шу кадар лазиз,  
Тилларин остида новвотлари бор!

Хитойи тавозе хаммага таниш...  
Ким хуржунга шойи солиб кетгандир.  
Ипак йўлларида топиб коникиш,  
Лутфу эхтиромни олиб кетгандир.

Хар битта шахримнинг ярашиги бор,  
Хар бир вилоятнинг ўз хикояти.

Хаммаси бетимсол, бари бетакрор,  
Бу хам Яратганнинг бир инояти.

Байрам нашъасидан самовий сурур,  
Ипакдек бегубор бугун осмоним.  
Кўллари кўксида,  
Кўнглида гурур,  
Мехмон кутаётир жон Маргилоним!

### **Шеърим**

Энг гўзал мамлакат – Кўштегирмонда  
Менсиз оқарар тонг, оқади сувлар...  
Тушларини сувга сочади тонгда  
Онхазратнинг  
кизларидек  
сулвлар...

Мени унутолмай кийналар кишлок,  
Турналар йиглайди осмонларида.  
Товонимни кўмсаб, кабарар тупрок,  
Коларман тупрокнинг товонларига!

Огилда ўрокни саргайтирар занг,  
Далалар кузатар заррин мезонни.  
Дайди эпкиларнинг топгани найранг:  
Най килиб пуфлайди синик сомонни...

Энг гўзал мамлакат – Кўштегирмонда  
Кон йиглаб гулбаргин тўқади гуллар.  
Маъюс кетиб борар магриб томонга  
Мендан аразлаган фаришта кунлар...

### **Тошкент хомаси**

Музей хам хилхона кадар мукаддас,  
Шовкин солинмайди бу ерда зинхор.  
Осори-атика сокин берар сас,  
Бунда аждодларнинг уйгок рухи бор.

Камони Чочий бу – машхури жахон,  
Кай бир бобом кийган ушбу жомани.  
Илкис кўриб колдим дўсти кадрдон –  
Суякдан йўнилган калам – хомани.

Мўъжизага жазман бани одамзот,  
Хайратга хамиша талабгор олам.  
Биринчи мўъжиза мана шу, хаёт,  
Биринчи инкишоф шу – хома – калам!

Масихдан аввалрок, милоддан нари,  
Бинкат осмонига сочган катим нур  
Энг кадим идрокнинг тасаввурлари,  
Биринчи даходан мерос тафаккур!

Кўзойнагин артиб бўйинбогига,  
Кайта тикилади оксуяк жаноб.  
Маърифат ахтарган зот сўрогига  
Ундов белгисидек шу хома жавоб.

Танга-терсакларда жозиба бордир,  
Килич-тўфангларда даъво, истило.  
Вале кимки калам тутмокка кодир  
Дилида эзгулик, зехнида зиё.

Чин солномалари “Чже” деб ёзган,  
Камон товушини эслатар бу сўз.  
Боболар хат боглаб камондан узган:  
“Бизга чин дўст керак, садокатли дўст!”

Нурга чулгадими Миср кўкини  
Буруксаб Искандар кутубхонаси?  
Бобил таназзулин битди ўкиниб,  
Кадимий ўзбекнинг суяк хомаси.

Бу шундай элдирки, кон-конигача,  
Суяк-суягига кадар маърифат.  
Бир ёруг сўз учун жонидан кечар,  
Дунёга омонлик тилайди факат.  
Кўхакийнинг кутлуг кўллари тутган,  
Шошийлар илкида азиз бу калам.  
Битса, дўсту ёрга мактублар битган,  
Хома билан якдил бўлгандир калб хам.

Кодирий кўлини кайирган каттол  
Дилимга сиёхдек сочган аламини.

Кейин ёка тутган акли шошиб, лол,  
Ойбек бармогида кўриб каламни.

Биларсиз, Оксарой пештоқларига  
Зўр Темурий хикмат ёзилганини.  
Биларсиз, Тошкентнинг янги тархига  
Каламда тахрирлар чизилганини.

Ватаним саждагоҳ каби муқаддас,  
Тошканди азимнинг сирли саси бор.  
Зўлдирдек айланган чоғ курраи арз  
Таянч нуқта топган мадрасаси бор.

Тошкент – севганники, ой – хамманики,  
Меҳрим изхор этай дилнома билан.  
Фарзандлар сафида турибман токи,  
Кўлда отамерос шу хома билан.

### Лайлақлар

Бир ажиб хикмат бор Тошкент тонггида,  
Бирдан хакикатга дўнар эртақлар:  
Чигатойдан пастда, Чорсу ёнида  
Сайр этиб юрибди оппоқ лайлақлар.

Орзулар – уфкка санчилган йўлдай,  
Калб ва юрт бораркан саришта бўлиб,  
Осмондан тушдими оқ атиргулдай  
Оппоқ лайлақларим фаришта бўлиб!

Ногорани ёдга солар куй чалса,  
Ўзимизга ўхшар феълу тилақлар.  
Агар полапонга хавф солар бўлса,  
Илоннинг бошини янчар лайлақлар!

Элимда эзгулик тимсоли бўлиб  
Олтин уругларни сочган куш ўша.  
Кора булутларни чакмокдек бўлиб  
Огу лойкасини ичган куш ўша.

Иймоним комилдир, хар битта патдан  
Кутлуг ерда ўсар кумуш терақлар.  
Каранг, шундок Хаста Имомдан пастда  
Юрар оқ яқтакли мўмин лайлақлар.

Дуода тинчликни сўрар ёш-кари,  
Шоколлар омондир хамон барибир.  
Бир оёклаб турса – ёвузлик сари  
Камони Чочийнинг пайконларидир!

Тошкент тонгларида бор ажиб афсун,  
Кўрганлар албатта келишар кайтиб.  
Каранг, файзли юртда сизу мен учун  
Лайлаклар юрибди шукрона айтиб!

## Булбул

Элликкалъада Мухаммад Юсуф ўтказган эман дарахти бор...

Бир булбул сайради тун бўйи гирён,  
Эман япрогидек дилгир, жонсарақ.  
Шу кеч хадеганда ёришмади тонг,  
Шу кеч шафакларга беланди юрак.

Не чоғли мураккаб шоир кисмати,  
Унга-ку майда гап абадий ёт.  
Бир ён мангу голиб иблис суврати,  
Бир томон гийбатга гарк адабиёт.

Шоир деган сўзга кўчган киноя,  
Мирза деб биларлар бугун мирзони.  
Мағзига етдингми, шоир, ниҳоят,  
Хўкизлар кўтариб турган дунёнинг?

Буларда на шафкат ва на диёнат,  
Ўзини тушунар зиё деганда.  
Сўзга, Навоийга қилган хиёнат,  
Худойини ўйлар худо деганда...

Шоирона кеча Элликкалъада,  
Ой сочини ёзган мунис, паришон.  
Кўзга уйку парда тортган паллада  
Бир булбул бўзлади дилгир ва гирён.

Айтсам, айтгудайин холим колмади,  
Куйнинг гирдобида коврилдим, куйдим.  
Инсон инсон бўлиб мендек ёнмади,  
Шу кеча бир буюк хикматни туйдим.

Жувонмарг дахолар келдилар катор,  
Замон курбонлари етишди саф-саф.  
Дордан кочган аблах кайта курди дор,  
Яна магрур бошин топширди Машраб.

Сизни асролмадим, мен кандай зурёд,  
Виждонга банг сувин ичирмайман мен.  
Менинг огам эди коп кийган жаллод,  
Худо кечирса хам кечирмайман мен.

Шу кеча ўзимни алдадим: бу – туш,  
Юрагим кўнмасди, силтаб урарди.  
Кўшигин бас килиб, энди ўжар куш  
Кайда юрувдинг деб тинмай сўрарди!

## Шоир

Мўйнок йўлида “Ажиниёзни зиёрат килайлик”, дедим. Йўлдошлар “Йўл огир, шоирнинг ёнига бориб бўлмайди”, деб катъий жавоб беришди.

Йўл огир. Жонликни бодрок килар ёз,  
Тиникиб бир нафас олиб бўлмайди.  
Юз йилки, йўлимга зор Ажиниёз,  
Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Шеърни хар куйга, кўйга солиш мумкин,  
Шоирга андаза, колип бўлмайди.  
Шоир кўшикларин ёд олиш мумкин,  
Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Ер ютган минора – сувсиз кудуклар  
Садосин билмаган ориф бўлмайди.  
Чинкириб учади безовта рухлар,  
Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Тўп кўпорган кабр чекмоқда фарёд,  
Уриб, бошларингни ёриб бўлмайди.  
Узоклашиб борар тобора Хирот,  
Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Терисин шилишар, дорга осишар,  
Бу жангда мағлуб йўк, голиб бўлмайди.  
Огочга суяниб котиллар йиглар,

Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Шоирлик – инсоннинг болалик пайти,  
Бу даврда абадий қолиб бўлмайди.  
Болаликдан кетдик ҳаммамиз дайдиб,  
Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

Мен ҳам кетгандирман балки ўзимдан,  
Хатто ўзингдан ҳам қолиб бўлмайди.  
Дўстларим, эргашманг факат изимдан,  
Шоирнинг ёнига бориб бўлмайди.

### **Эллик биринчи калъа**

Неъматилла огага  
Сирга тўлиб ётар чексиз далалар,  
Ўйга чўмиб ётар кўхна калъалар.

Дарё хотираси – ултонларда сир,  
Хирка кийган дарвиш султонларда сир.

Аёзкалъа, Тупроқкалъалар бугун  
Асрор чилвирида чигал бир тугун.

Тўкилган, нураган мазгиллар катор  
Олам жумбогини ачомлаб ётар.

Бу нечук салтанат, бу нечук маъво?  
Бобом нафасини келтирар хаво.

Сирли калъаларда сир босиб юрдим,  
Калъалар ичинда бир калъа кўрдим.

Ертепа бўлса-да бошка калъалар,  
Бу калъани мангу бахор аллалар.

Гарчи калъаларим бари сир тўла,  
Бунисининг багри кумуш нур тўла.

Абадий кўргон у! Абад калъа у!  
Кўзларида юлдуз ёнган бола у!

Огажон, багрингга босиб болангни,  
Асра келажагинг – Кўнгилкалъангни!

## Дўст

Дўстим Олимжонга

Рухимга шом чўкиб, барг узилганда,  
Турналар мунчокдек саф тизилганда,  
Бир дардкаш тополмай дил эзилганда  
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,  
Гохида пинхона йиглаб олдим, дўст.

Гулзор кўпу лекин гул топилмайди,  
Дилдор кўпу аммо дил топилмайди,  
Дўсти йўк етимга йўл топилмайди,  
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,  
Гохида пинхона йиглаб олдим, дўст.

Ёлгизлик йўллари ўтилган азал,  
Юрак кони билан битилган газал,  
Гохо тугишгандан тутинган афзал,  
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,  
Гохида пинхона йиглаб олдим, дўст.

Дўст деб тутганларим улфат бўлдилар,  
Ризкимга чанг солган калхат бўлдилар,  
Бошимда айланиб кулфат бўлдилар,  
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,  
Гохида пинхона йиглаб олдим, дўст.

Фойда дастгохида лой бўламан, дер,  
Оёги калтираб бой бўламан, дер,  
Бой бўлса, энди худой бўламан, дер,  
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,  
Гохида пинхона йиглаб олдим, дўст.

Кек саклаш хам ёмон аломат дедим,  
Майли, ўтган ишга саловат дедим,  
Жўра, боргин энди саломат дедим,  
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,  
Гохида пинхона йиглаб олдим, дўст.

Куёш бор, ойлардан кулиб ўтаман,  
Ёв отган ёйлардан кулиб ўтаман,  
Ичимда бойлардан кулиб ўтаман,  
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,  
Гохида пинхона йиглаб олдим, дўст.  
Биз кўкка етайлик, осмон тушмасин,



Ёмгирга айланиб шайтон тушмасин,  
Дўстим, ўртамизга ёлгон тушмасин,  
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,  
Гохида пинхона йиглаб олдим, дўст.

Кўзим етган жойга сўзим етади,  
Зўр шоир бўламан, кўзим етади.  
Мен етмаган бахтга дўстим етади,  
Мен сени худодан тилаб олдим, дўст,  
Гохида пинхона йиглаб олдим, дўст.

### **Дадамни соғиниб**

Сизнинг дунёнгизга сигмайман, дўстлар,  
Хафталаб уйимдан чикмайман, дўстлар.  
Кулгили туюлар балки холатим –  
Дадамни соғиниб йиглайман, дўстлар.

Мени Яратгандан тортик билади,  
Хатто отасидан ортик билади.  
Ёстикдошим эмас, ёстик билади,  
Дадамни соғиниб йиглайман, дўстлар.

Кирк ёшдан ўтдимۇ дард ўта колмас,  
Кўксимга муз боссам, совута олмас,  
Бугун мени онам овута олмас –  
Дадамни соғиниб йиглайман, дўстлар.

Хурматим жойида, иззат жойида,  
Улуг устозларим сўзи – коида.  
Халкимнинг бошида, пошшо пойида  
Дадамни соғиниб йиглайман, дўстлар.

Кўнглимга келганни кайтармай ёзиб,  
Кўнгилларда кўнок бўлдим муносиб.  
Кўнгилчан ўглимни бағримга босиб,  
Дадамни соғиниб йиглайман, дўстлар.

Хасратимга кулок солиб тургандир,  
Теран хаёлларга толиб тургандир.  
Менга жаннатдан жой олиб тургандир,  
Дадамни соғиниб йиглайман, дўстлар.

### **Шоир укамга хазил**

Давлат Полвон, кор ёгмаса киш бўптими,  
Кор кураш хам иш бўптими, Давлат Полвон?  
Таъбир билан фолга колган кунинг курсин,  
Ўнг келмаса туш бўптими, Давлат Полвон?

Ёнимизда ўйинчи кўп, ўйноки кўп,  
Урушқок кўп, ундан кўра кайроки кўп.  
Кўшигимни расво килган сайроки кўп –  
Олакарга куш бўптими, Давлат Полвон?

Кўнгил излаб кўзинг кўкрак атрофида,  
Жимирлайди недир юрак атрофида.  
Бугун кизлар кўзи чўнтак атрофида –  
Шуям энди ишк бўптими, Давлат Полвон?

Давлат Полвон, шоир укам, калай энди,  
Сен хам, мен хам сўзбозорда малай энди.  
Болари кам, чаёнчалар талай энди –  
Огритмаса, ниш бўптими, Давлат Полвон?

Богдодимнинг болалари содда бўлар,  
Катта шахар савдолари котта бўлар.  
Ичиб олса, боланг сенга ота бўлар,  
Тил тутмаса, тиш бўптими, Давлат Полвон?

Хар инсонда бир хайвоннинг хислати бор,  
Суврати бор, кудрати бор, илллати бор.  
Инсон бўлиб, жим юрганнинг иззати бор –  
Шоирлик хам иш бўптими, Давлат Полвон?

### **Ёдимга тушса**

Яйрайман, ёдимга тушса ариклар,  
Каноти хилпираб сузган баликлар.  
Мен билан чўмилиб ўсган баликлар,  
Кўзлари чашмалар ёдимга тушса.

Хаёт эркалатган таннозу тантик,  
Лаблари ширину сўзлари аччик.  
Бугун жигаримда туради санчик  
Ул бигиз пошналар ёдимга тушса.

Кимга гулгун шароб туюлар коним,  
Качон ховучига куюлар коним.  
Энг тотли неъматга айланар жоним,

Конимга ташналар ёдимга тушса.

Бири эски ўгри, бири янги бой,  
Кўзини ёг босган, лаби-лунжи мой.  
Дили билан тили келар пойма-пой,  
Огайни-ошналар ёдимга тушса.

Бир кўлида тасбех ўгирган отам,  
Офтобшувокларда ўтирган отам.  
Онгу шууримда абадий мотам,  
Кўзларим ёшланар ёдимга тушса.

Жаноб болакайлар, мухтарам зотлар,  
Инсон деган унвонларга номзодлар.  
Шулар бор, юрагим ёзар канотлар,  
Бахорлар бошланар ёдимга тушса.

Хотира – умрга кушанда дейман,  
Хаёлим занжиру кишанда дейман.  
Нега мушт отмадим ўшанда дейман,  
Юрагим гашланар ёдимга тушса.

### **Ёмонлама**

Жа яхшисан ўзинг хам,  
Ёмонни ёмонлама.  
Менга кара эй одам,  
Замонни ёмонлама.

Порлаб турар илми гайб,  
Чорлаб турар илми гайб,  
Учолмасанг кимда айб?  
Осмонни ёмонлама.

Муздирсан ё чўгдирсан,  
Балки билган йўқдирсан.  
Отанг отган ўқдирсан,  
Камонни ёмонлама.

Ўз-ўзингдан битдингми,  
Бирдан кўкка етдингми,  
Бошок бўлиб кетдингми?  
Сомонни ёмонлама.

Илик кокиб еб бугун

Илигим тўк деб бугун,  
Чўнтаги йўк деб бугун  
Чопонни ёмонлама.

Эй одамзод зурёди,  
Тасодифнинг бунёди.  
Замон – худонинг оти,  
Замонни ёмонлама!

### Одамлар

Ичида ит хурган одамлар,  
Айбим излаб юрган одамлар.  
Сизга ёрдам бергим келади,  
Мени ёмон кўрган одамлар.

Кимга ному нишоним ёкмас,  
Ё Багдодим, Кўконим ёкмас,  
Эрта олган унвоним ёкмас,  
Мени ёмон кўрган одамлар.

Даврангизга кира олмайман,  
Кирсам кўнглим ёра олмайман.  
Сизга талант бера олмайман,  
Мени ёмон кўрган одамлар.

Осай дейсиз, сиртмогингиз йўк,  
Урай дейсиз, тўкмогингиз йўк,  
Ўладиган ахмогингиз йўк,  
Мени ёмон кўрган одамлар.

Сизга ука, ака, жўраман,  
Дуоингиз килиб юраман.  
Мен сизларни яхши кўраман...  
Мени ёмон кўрган одамлар.

Мушук ётар – шер хаёлида,  
Кийик тутиб ер хаёлида.  
Мен юровдим шеър хаёлида  
Мени ёмон кўрган одамлар.

Болангиз юрт учун яшасин,  
Душманга хам жонин тўшасин,  
Фарзандингиз менга ўхшасин,  
Мени ёмон кўрган одамлар.

## Кечагина

Кечагина гўр шоир эдим,  
Гўр эдим-у, зўр шоир эдим.

Шеър тўкирдим дангал, кўркмасдан  
Ва ўкирдим хар гал кўркмасдан.

Бугун эса ўйлаб ёзаман,  
Битта шеърни ойлаб ёзаман.

Газал битсам, бирор жононга  
Тегмасмикан куда томонга?

Атрофимда киз кўп, аёл кўп,  
Жавоб берай десам савол кўп.

На кўнглимни тўка оламан,  
На ўглимни сўка оламан.

Шаббодалар сўз бўлиб окар,  
Юлдузлар хам кўз бўлиб бокар.

Унвони бор катта шоирман,  
Лек ўлгудай латта шоирман.

Кечагина гўр шоир эдим,  
Гўр эдим-у, зўр шоир эдим...

## Кўкламойим

Кўкламойим сеп ёйди,  
Табиатга зеб ёйди.  
Ўйнаб-кулинг, деб ёйди  
Бахмал дастурхон бугун.  
Яхшилар мехмон бугун.

Кикир-кикир жилгалар,  
Кир-адирдан сиргалар,  
Хулво такиб сиргалар,  
Булбул газалхон бугун.  
Кўнгил фаровон бугун.

Бир ажойиб кувонч бу,  
Бир гаройиб ишонч бу,  
Яратиш завки эзгу  
Хаммамиз дехкон бугун,  
Барчамиз богбон бугун.

Кеча кундуз тенг бўлди,  
Олам багри кенг бўлди.  
Бир ёкаю енг бўлди  
Дўсту кадрдон бугун,  
Ўйнанг беармон бугун.

Калдиргочим, хуш кўрдик,  
Согинганда туш кўрдик.  
Самода бахткуш кўрдик,  
Турналар карвон бугун,  
Куёшжон сарбон бугун.

Кўкламойим, бўйингдан,  
Айланойин тўйингдан,  
Ок гул сочиб кўйнингдан,  
Олам гулистон бугун,  
Олам гулистон бугун!

### **Оккан дарё**

Мухаббат аяга

Оккан дарё окар, куёш тўхтамас,  
Губор богламагай мерос заковат.  
Бир дарё кўнглимдек тўлгин шу нафас,  
Дарёки, лиммо-лим мехру мухаббат.

Не-не замонларга гувоҳ кўхна Шош  
Кўрган зеру забар савдоларни хам:  
Шабнам бу – тунда ой тўккан аччик ёш,  
Ховур бу – куёшнинг кўксида алам.

Очлик, кахатчилик, хўрлик, катагон  
Халк бошига тошдек тушганда такрор  
Юрагида умид, калбида иймон,  
Шу юртда хаётни асраганлар бор!

Гох душман хасади эшик тимдалар,  
Гох мухтожсан дўстинг далдаларига.  
Нима килоларди куйган бандалар

Худойимнинг суйган бандаларига!

Бир замон туялар чўккан манзилда  
Орзуманд фотиха тортиб турибмиз.  
Карвон бўлиб умр аталган йўлда  
Эзгулик юкини ортиб турибмиз.

Мева чамасида дарахт бахоси,  
Кўнгил богингизни гулга ўраймиз.  
Яратган хирожга хар нени олсин,  
Эвазига узок умр сўраймиз.

Она сайёрада она табиат  
Она халким учун сочса дурдона,  
Сиз бизга бердингиз чексиз мухаббат,  
Сиз мунис мураббий, онажон, она...

Куёшдан нур олган ой-юлдуз каби,  
Кавму кариндошлар юзида зиё.  
Худо бир, биттадир тилак – матлаби:  
Мудом окиб турсин бу улуг дарё!

### **Онам**

Ой каби кошимда парвонам – онам,  
Офтобдек меҳрда ягонам – онам.  
Бошимга тилла тож, кўнглимга таскин,  
Туну кун тилимда шукронам – онам.

Олтин-кумуш асли – тош бўлар экан.  
Онасиизнинг кўзи ёш бўлар экан.  
Онаси бор – доим ёш бўлар экан,  
Меҳр уммонида дурдонам – онам,

Кайга борсам йўлдош, хамрох тафтингиз,  
Сиздан бахт топдим, сиз нима топдингиз?  
Мудом манглайимда илик кафтингиз,  
Толеъимдан ёруг пешонам, онам.

Ёнимда ўглим деб турсангиз, она,  
Яшайман гамлардан голиб, мардона.  
Келсангиз юксалар гариб остона,  
Кетсангиз мунгаяр кошоном, онам

Кўрдим дунё етти мўъжизасини,  
Топмадим калампирмунчок исини.

Кўзларимга сурай босган изини,  
Жаннат богларидан нишонам, онам!

### **Тинчлик**

Бахтга лойик хар одам  
Бахти кулсин дунёда.  
Кўнгилни эзмасин гам,  
Тинчлик бўлсин дунёда!

Элдош, кардош, дунёдош,  
Иймонинг бўлсин йўлдош.  
Мангу порласин куёш.  
Тинчлик бўлсин дунёда!

Тилла топилдик – болам,  
Жоним кокиндик, болам.  
Худога етсин нолам:  
Тинчлик бўлсин дунёда!

Одам каби бастинг бор,  
Икки оёк-дастинг бор.  
Айтгил, нима касдинг бор?  
Тинчлик бўлсин дунёда!

Кулсак, бирга хандонмиз,  
Сўлсак, бирга хазонмиз,  
Хаммамиз бир инсонмиз,  
Тинчлик бўлсин дунёда!

Сенга боглик эрта кун,  
Кўрсат матонат кучин.  
Сен кураш тинчлик учун,  
Тинчлик бўлсин дунёда!

Хаётимиз асоси,  
Элу юрт муддаоси,  
Бу ўзбекнинг дуоси:  
Тинчлик бўлсин дунёда!

### **Кичкина одам**

Хўрдани кўтариб, бурдани урар,  
Шимириб ютади, ўпириб ейди.



Тирикни тунайди, мурдани урар,  
Карасанг, “биз кичик одаммиз”, дейди.

Катта сандигида катта сармоя,  
Нафси ўта соглом, иймони майиб.  
Гар саволга тутсанг, “узр, хамсоя,  
Биз – кичикина одам”, дейди жилмайиб.

Ўз кўмочи бўлса, тортиб колар кул,  
Дурбинда хам факат ўзини кўрар.  
“Бизлар факир киши”, такрорлар нукул,  
“Кичик одаммиз” деб панага урар.

Юзингни тескари килсин, илойим,  
Одам бўлдингми сен? Кайда одамсан?!  
Кўшқўллаб урибди сени худойим,  
Сен кичкина эмас,  
майда одамсан!

### **Яхши**

Яхши! Жуда яхши! Жудаям яхши!  
Майли, омон бўлинг! Бахтиёр бўлинг!  
Омадингиз берсин – эмасман карши,  
Бахтли бека бўлинг, бахтли ёр бўлинг.

Одамзот кўлида шодлик ва кайгу,  
Гохо окибатни ўйлагинг келмас.  
Дўзахни танламок ихтиёрий-ку,  
Жаннатга кирмоклик мажбурий эмас.

Хайр, мени ўйлаб кайгурманг асло,  
Не бўпти кўнгилда гул кулмаганда.  
Мени эслагувчи топилгай, илло,  
Азроил йўклайди ҳеч бўлмаганда.

### **Иллат теккан**

Иллат теккан олма – қурраи замин,  
Ичидан зил кетган, дарди ичида.  
Бир эпкин ўчирар тириклик шамин,  
Хаёт титраб турар шамнинг учида.

Бузилгандир олам мувозанати,  
Какраган денгиз ва кўнгил тўлмайди.  
Охир голиб келди иблис лаънати,

Бу олам ҳеч қачон одам бўлмади.

Янги шаклдаги бедаво дардлар,  
Фитна ва хиёнат, ёлгон ва риё.  
Нафсига хирс кўйган валламати мардлар,  
Зулматни симириб семирган зиё.

Бошидан тожини ечяпти қуёш,  
Тириклар тирилмас, ўлик ўлмади.  
Кимдир тепамизда тўкяпти кўзёш,  
Энди бу одамзод одам бўлмади!

### **Хаёт давом этади**

Кор-киров қўшинлари  
пешлаганда найзалар  
Илдизига чекиниб  
жон саклайди майсалар.  
Яшин урган дарахтлар  
неча ёниб-қуйсалар  
Кайта куртаклар отиб,  
яна сочалар баёт,  
Хаёт давом этади,  
давом этади хаёт.

Бори хикмат тупрокда –  
кат-кат кимё яширин,  
Она ер ўзагида  
кайнок зиё яширин.  
Товонинг тагида ҳам  
юз минг дунё яширин  
Рўёбини тополмай  
пинхон чекади фарёд,  
Хаёт давом этади,  
давом этади хаёт.

Бу хаёт уммонида  
харакатсиз чўккайсан,  
Бор барака килмасанг,  
баракатсиз чўккайсан.  
Гизли тўкнашувларда  
халокатсиз чўккайсан,  
Аллалаб ҳам эркалаб  
тортиб борар гирдибод,  
Хаёт давом этади,

давом этади хаёт.

Кўкнори хаёлларда  
нахс босган даврон ўтди,  
Кўнгирогига латта  
тикилган қарвон ўтди,  
Киличда куралайлар  
сўйилган замон ўтди,  
Мохларойим сурмаси  
томдию тошди довод,  
Хаёт давом этади,  
давом этади хаёт.

Нахотки, етган жойим  
шуми, дема, биродар,  
Гуссанинг адоги йўк,  
сен гам ема, биродар.  
Ихтиёрдан наридир  
манзил, кема, биродар,  
Кани пири муршидинг?  
Кайси тарафда нажот?  
Хаёт давом этади,  
давом этади хаёт.

Сафсата сотар хаёт  
иймони йўк олимдай,  
Бўғиб-сикиб кийнайди  
яроги йўк золимдай.  
Жон ва онг огригидан  
хол бормикан холимдай,  
Жонинг озод бўлса-да,  
рухинг бўлмагай озод,  
Хаёт давом этади,  
давом этади хаёт.

Бош огриги коинот  
бухронидангинамас,  
Суякка зах ургани  
зиндонидангинамас,  
Озор-укуб занжири  
замонидангинамас,  
Одам Ато кўлларин  
ёйди – битмади канот –  
Хаёт давом этади,  
давом этади хаёт.

Мен, дея муштливериб  
кўксингни яро килдинг,  
Адоват излайвериб  
ўзингни адо килдинг,  
Бургулар чалинганда  
на сас, на садо килдинг,  
Ўзига тузок кўйиб,  
ўзин пойлаган сайёд,  
Хаёт давом этади,  
давом этади хаёт.

Эрта бахор чогида  
гулимни ерга кўмдим,  
Ўксинмасин деб ёлгиз  
дилимни бирга кўмдим.  
Бедил бўлиб тизгинсиз  
тилимни шеърга кўмдим,  
Бир байти йиги бўлди,  
бир байти бўлди сабот,  
Хаёт давом этади,  
давом этади хаёт.

Бир юракнинг устига  
юрагим кўйса эдим,  
Кафтимда кўшмагиздай  
эркалаб суйса эдим,  
Ўпаман деб энгашиб  
сут хидин туйса эдим,  
Шивирласа эдим мен:  
Мана шу адабиёт...  
Хаёт давом этади,  
давом этади хаёт.

Умр деганлари хам  
кўпга келган тўй, дўстим,  
Яхши гаплардан гапир,  
менинг кўнглим кўй, дўстим.  
Умар Хайёмдан колган  
косаларга куй, дўстим,  
Калбларга кон югурсин,  
юраклар бўлсин обод,  
Хаёт давом этади,  
давом этади хаёт!